

# ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК МЕТОДИ, ЎРГАТУВЧИ ВА ЎРГАНУВЧИ ТАРМОҒИ

*Дўсбеков Тўйчи Менгнорович*

*катта ўқитувчи*

*Термиз давлат университети*

**Аннотация:** Мақола ўзлуксиз таълимдаги замонавий инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим олувчининг сифат ва кўникмасини шакллантиришда “Ўзаро боғлиқлик” методи жамоавий таълим олишда турли технологиялардан фойдаланиб ўқитишни ёритиб беради.

**Калит сўзлар:** Замонавий таълим, ўзаро боғлиқлик, назарий ва амалий билим, технология, метод, ўқитувчи ва ўқувчи (талаба), дарс жараёни.

**Abstract:** The article describes the method of "Interdependence" in the formation of quality and skills of students using modern innovative pedagogical technologies in continuing education, teaching using different technologies in group learning.

**Keywords:** Modern education, interdependence, theoretical and practical knowledge, technology, method, teacher and student (student), lesson process.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни талабалар ва ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўникма ва малакаларни шакллантириш, фаолиятни назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда талабалар ва ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни

қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини ўргатувчи методлар ташкил этмокда.

Бу метод ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш. уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини химоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог) лар томонидан “Ўзаробоғлиқ” методининг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчи (талаба, ўқувчи) да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантикий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантикий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади. Шунингдек, ОТМ, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган бир қатор ўқув фанлари бўйича муайян мавзуларни ўрганишда Ўзаробоғлиқлик методлардан фойдаланишга доир мисоллар келтирамиз.

Масалан манбада ушбу методнинг алфавит тартибида берилганлиги фойдаланувчиларга қулайлик яратади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчи (педагог) ларнинг ўз иш тажрибаларида ўргатувчи ва таълим берувчи тармоқларини қўллашга доир шахсий тажрибаларини ўртоқлашишларига боғлиқ. Бу борадаги таклиф ҳамда иш тажрибасига доир мулоҳазаларни қўйидаги электрон почтага ёзиш орқали билдиришлари мумкин.

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли-бу машғулотларнинг ўргатувчи ва ўрганувчи методлар ёрдамида ташкил этиш. Ўргатувчи ва ўрганувчи методнинг ўзи нима? Улар қандай таълим назарияси имкониятларига эга? Таълим жараёнида ўзаро боғлиқлик

методининг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлайди?

Қўйида шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.

Юқоридаги саволларга жавоб топишда энг тўғри кадам таянч тушунча - “ўзаро боғлиқлик” атамасининг луғавий маъноси билан танишишдир.


“Ўзаро боғлиқлик” тушунчаси ўзаро, икки тарафлама, ҳаракат қилмок, иш кўрмок каби маъноларни англатади

Ўзаро боғлиқлик- таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим

Ўзаро боғлиқлик таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгалликларидир

Субъектларни суҳбат, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятнинг олиб боришларини ифодалайди.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбатга асосланган ва бу суҳбат қўйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:



Анъанавий таълимда ҳам табиий равишда суҳбат асосини ахборот ташкил этади. Аммо ахборот узатишнинг асосий манбаи ўқитувчининг тажрибаси бўлиб, бу жараёнда ўқитувчи етакчилик килади, яъни у дарснинг асосий вақтида билимларни оғзаки тарзида ўқувчи (талаба)ларга етказиб

беришга интилади. Уларнинг асосий вазифаси ўқитувчини тинглаш, зарур вақтларда ёзиш, саволлар билан мурожаат қилинганда жавоб кайтариш, кам ҳолатларда рухсат этилганидагина сўзлашдан иборатдир.

Анъанавий таълимдаги бир томонламалик олий таълим тизимидаги фақат маъруза машғулотида эмас, семинар дарсларида ҳам устуворлик килади.


Унга кўра, “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки ўқувчи (талаба) намоён килади. Ўқувчи (талаба), асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни

намойиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда саволлар билан мурожаат қилади. Ўқувчи (талаба)лар гуруҳи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суғуштирилган, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда ўқувчи (талаба) ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши талабалар гуруҳи (жамоаси) учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратётгандек таассурот уйғотади. Бироқ, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билим (маълумот) лар тез янгиланади. Ўқувчи талабанинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10%; маълумотни эшитганида 20%; содир бўлган воқеа, ходиса ёки жараёни кўрганида 30%; содир бўлган воқеа, ходиса ёки жараёни кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50%; маълумот (ахборот) ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намойиш этганида) 80%; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90% ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга.

Шунга кўра ўзаро боғлиқлик ўқитиш “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозаралар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий

қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчи (талаба)ларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи-ўқувчи (талаба)-ўқувчилар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари каби билан тавсифланади”.


Замонавий таълим, шу жумладан, унинг тобора оммалашиб бораётган шакли-ўзаро боғлиқлик ўқитишда эса шахслар ўртасидаги суҳбат қўйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади.




Ўзаро боғлиқлик таълим моҳиятига кўра суҳбатнинг “ўқувчи - ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши ўқувчи (талаба)лар

томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Ўқитишнинг ўзаро боғлиқлик таълимга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда; ва ҳатто “болалар уйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қўйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:




Шу билан бирга таълимда ўзаро боғлиқлик таълимнинг самарадорлиги кўйидаги иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ.



Ўқитувчи таълим жараёнида ўзаро боғлиқлик таълим ёрдамида ўқувчи (талаба)ларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини химоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади.

Энг муҳими, ўзаро боғлиқлик методни қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчи (талаба)ларни аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

### Ўзаро боғлиқлик таълимнинг асосий белгилари қуйидагилардир:



**Изоҳ:** Рефлексия (лотинча “reflexio” - ортга қайтиш, акс этиш): кишининг ўз хатти-ҳаракатлари, уларнинг асосларини тушуниб етиши, фахмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолият; шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш).

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР:**

1. Панина Т. С., Вавилова Л.Н. Современные способы активизации обучения / Учебное пособие. Под ред. Т.С.Паниной. - 4-е изд., стер. - Москва: Издательский центр "Академия", 2008. - 176 с.
2. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии. Активное обучение / Учебное пособие. - Москва: Издательский центр "Академия", 2009.  
-192 с.
3. Психолого-педагогическое сопровождение реализации инновационных образовательных программ / Под ред. Ю.П.Зинченко, И.А.Володарской. - Москва: Изд-во МГУ, 2007. - 120 с.
4. Современные образовательные технологии / Учебное пособие. Под ред. Н.В.Бордовской. - 2-е изд., стер. - Москва: КНОРУС, 2011. - 432 с.
5. Ступина С.Б. Технологии интерактивного обучения в высшей школе / Учебно-метод. пособие. - Саратов: Издательский центр "Наука", 2009. - 52 с.
6. <http://www.bj.pu.ru/method/4-13.html>.
7. [http://ru.wikipedia.org/wiki/Методы\\_обучения](http://ru.wikipedia.org/wiki/Методы_обучения).
8. <http://letopisi.ru/index.php/Интерактивныеметодыобучения>.
9. <http://paidagogos.com/?p=124>.